# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 1 март, № 42 (5209) Сешанба

БОЛАЛАР СПОРТИ:

## АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

***Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 2011 йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***

***Қуйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.***

**I. 2010 йилда болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисида.**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон (А. Усмонов), Самарқанд (З. Мирзаев) ва Сурхондарё (Т. Жўраев) вилоятлари ҳокимларининг қуйидаги мурожаатлари қабул қилинсин:

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг «Динамо» стадионини реконструкция қилиш 2011 йил февраль ойида якунлангани тўғрисида;

Андижон шаҳридаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг янги «Андижон» стадиони қурилиши 2011 йил сентябрь ойида якунланиши тўғрисида;

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжаллаб Термиз шаҳрида қурилаётган иккита спорт иншооти ягона комплекс сифатида жорий йилнинг 15 мартигача топширилиши тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев комиссия ташкил этсин ва жорий йилнинг март ойида Термиз шаҳридаги спорт объектлари ва зарур инфратузилманинг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга тайёргарлиги ҳолатини текширсин. Текширув натижалари ҳақида 2011 йилнинг 1 апрелигача Президент Девонига маълумот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Хўжаевга:

комиссия ташкил этсин ва бир ой муддатда жойларга чиқиб, аввал бунёд этилган сузиш ҳавзаларининг ҳолати ва уларнинг фойдаланиш хавфсизлиги бўйича халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқлигини ўргансин. Текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режасини 2011 йилнинг 1 апрелигача тасдиқласин;

2011 йилда болалар спорти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга Урганч шаҳрида иккита сузиш ҳавзаси қурилишини киритсин;

болалар спорти объектларида, айниқса, сузиш ҳавзаларида намунавий лойиҳалар, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш борасида қаттиқ назорат ўрнатсин ва уларнинг қатъий белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминласин.

4. Иқтисодиёт вазирлиги (Р. Ғуломов), Молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров), Халқ таълими вазирлиги (А. Очилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда болалар спорти объектлари қурилишининг 2011 йил учун ҳудудий манзилли рўйхатларини тасдиқласин ҳамда жорий йилнинг 15 мартигача объектлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак ажратиш ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

**II. 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини республика ва ҳудудий манбалар ҳисобидан шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш ҳолати тўғрисида.**

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А. Очилов) Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг республика ва ҳудудий манбалар ҳисобидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда шаклланиши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси Р. Бўриевнинг 2010 йилда болалар спортини ривожлантиришни молиялаштиришга ҳомийлик маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермагани учун жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ўз вақтида тўлиқ ҳажмда шаклланиши ва мақсадли сарфланиши, болалар спорти объектлари қурилиши, капитал таъмирланиши ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда уларни сақлаш харажатлари тўлиқ молиялаштирилиши ва спорт иншоотлари қувватидан самарали фойдаланиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев)га:

2011 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари ҳамда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзалари қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланишининг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда бир ҳафта муддатда тасдиқлаш учун киритсин;

болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланишининг тасдиқланган манзилли дастурлари ижросининг боришини, объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ҳамда уларнинг зарур анжом ва инвентарлар билан жиҳозланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатган ҳолда ҳар чоракда кўриб чиқсин.

Молия вазирлиги (Р. Азимов) Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қатъий мақсадли ва самарали сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

**III. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш борасидаги ишлар тўғрисида.**

8. Халқ таълими вазири А. Мараҳимов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очиловларнинг ҳисоботлари, шунингдек, вилоят ҳокимлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича масалаларни ҳал қилиш борасидаги ижобий ишлари қайд этилсин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

спортни ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзи шаклланишининг муҳим омили сифатида кенг тарғиб қилишни ҳисобга олган ҳолда, юқорида қайд этилган ҳудудларда қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тажрибасини оммалаштиришга оид материалларни тизимли равишда ёритиб борсин;

халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ёрқин тимсолини намоён этаётган, халқаро спорт мусобақаларида мамлакатимиз шанини улуғлаётган спортчиларимиз, айниқса, қизларимизнинг юксак муваффақиятлари ҳақида видеоматериаллар (реклама роликлари) тайёрласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А. Очилов), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж. Акрамов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда болалар спортини ривожлантириш ҳамда болалар, айниқса, қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилишга салмоқли ҳисса қўшган раҳбар ва мутахассисларни рағбатлантириш тўғрисидаги таклифни ўрнатилган тартибда киритсин.

11. Жиззах (С. Исмоилов), Қашқадарё (Н. Зайниев), Самарқанд (З. Мирзаев), Сурхондарё (Т. Жўраев) ва Сирдарё (О. Ашурматов) вилоятлари ҳокимларининг қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш бўйича олиб бораётган ишлари етарли эмас, деб топилсин ва улардан мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш талаб этилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2011 ЙИЛ 5 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2011 ЙИЛ 7 МАРТ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2011 йил 5 март шанба дам олиш куни 2011 йил 7 март душанбага кўчирилсин;

2011 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 28 февраль

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***СИРДАРЁ. Сайхунобод туманининг Гулбулоқ қишлоғида газ таъминоти яхшиланди.***

### Қишлоқ аҳлига қулайлик

Бунинг учун қарийб уч километрлик масофада бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ҳудуддаги 150 та хонадон аҳли учун қулайлик яратилди.

Умуман, вилоятда ўтган йили 1037 та хонадонга газ тармоғи тортилиб, 34,6 километрлик масофадаги табиий газ қувурлари реконструкция қилинди. Ушбу мақсадлар учун 776 миллион сўм сарфланди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОНдаги “Idas elektroniks sistem” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар “Ўзстандарт” агентлиги ташкил этган “2010 йилнинг энг яхши маҳсулоти” кўрик-танлови ғолиби бўлди.***

### Корхона — танлов совриндори

Гап шундаки, мазкур корхона мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналар, автобус, юк ва йўловчи ташиш автомобиллари учун аудиотизим ҳамда рақамли соатлар етказиб беради. Айни пайтда бу ерда 107 нафар киши меҳнат қилмоқда. Танлов ғолиби бўлган корхона ўтган йили буюртма асосида 166108 дона аудиотизим ҳамда 40100 дона рақамли соат ишлаб чиқарган бўлса, жамоанинг жорий йилдаги режалари янада улкан. Бу ерда фаолият кўламини кенгайтириш ҳисобига 20 та иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

**Н. ТЕМИРОВ.**

***НАМАНГАН. Поп тумани ҳокимлиги бандликка кўмаклашувчи марказ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.***

### Ишга йўлланма олишди

Унда ҳududдаги 97 та ташкилот, корхона ва муассаса 286 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирга таклиф этилганлар бўлажак иш жойларини танлаш баробарида, меҳнат қонунчилигига доир билим ва тушунчаларга ҳам эга бўлишди. Пировардида 191 киши ишга йўлланма олди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида туман бандликка кўмаклашувчи марказ саъй-ҳаракати билан 480 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ташаббуси билан НУКУСда ҳудудий семинар-кенгаш ташкил этилди.***

### Йўловчи хавфсизлиги — доимий эътиборда

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбир автотранспорт хизматини кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига унинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ тушунтириш ҳамда 2011 йилда солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишда соҳага оид қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришларни етказишга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

## МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган “Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ОФИЦЕРЛАР

миллий армиямиз таянчларидир

***Ватан сарҳадлари дахлсизлигини асраб-авайлаш катта масъулият, айни пайтда шарафдир. Ушбу вазифани сидқидилдан адо этиб, эл-юртимиз тараққиётига камарбаста бўлиб келаётган ҳарбийларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.***

**Ғурур**



Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”.

Бунда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бошчилигида армиямизнинг модернизация қилингани, ундаги маънавий муҳит тубдан ўзгарганлиги, соҳа вакилларининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакаси доимо ошириб борилаётгани, илғор тажрибаларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ҳам ана шундай эзгу ислоҳотларнинг меваларидан биридир. Академиянинг очилиши чинакам ватанпарварлар, мард, жасур, фидойи ва айни пайтда ўз ишининг юқори малакали мутахассисларидан иборат профессионал армия барпо этиш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди. Мазкур маскан зиммасига малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш вазифаси юкланган.

(Давоми 4-бетда).

## БОЛАЛАР СПОРТИ:

# АСОСИЙ МАҚСАД – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

12. Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б. Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж. Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, қизларни оммавий жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан ошириш;

қизларнинг саломатлиги ва тўлақонли жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган янги спорт турлари сонини ошириб, қўшимча спорт секцияларини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекс режасини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш;

таълим муассасаларидаги ва алоҳида жойлашган болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни талаб даражасида сақлаш устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасига 2011 йил I ярим йиллик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот киритсин.

13. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Азимов «Ўзбекенгилсаноат» АК (И. Ҳайдаров), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (У. Тошкенбоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг 21 мартигача бўлган муддатда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган барча қизларга совға тариқасида спорт формалари тақдим этилишини ташкил этсин.

**IV. Болалар спортини ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили сифатида ривожлантириш тўғрисида.**

14. Соғлиқни сақлаш вазири А. Икромовнинг спорт билан шуғулланиш мактаб ёшидаги болалар саломатлиги ва жисмоний ўсишига ижобий таъсирининг барқарор тенденциялари тўғрисидаги ахбороти тингланиб ва муҳокама этилиб, Ҳомийлик кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан спорт билан шуғулланишнинг болалар саломатлиги ва жисмоний ўсишига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишларини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов)га:

спорт билан шуғулланишнинг болалар саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича ишларни юқори даражада йўлга қўйган ҳудудий тузилмалар ва уларнинг раҳбарларини алоҳида қайд этиш;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) билан биргаликда спорт ҳамда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишнинг болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида етакчи журналистларни жалб этган ҳолда аҳолини кенг хабардор қилишни доимий асосда ташкил этиш;

2011 йил 1 июлгача фойдаланилаётган тадқиқот индикаторларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида спорт билан шуғулланишнинг болалар ривожланишига жинси ва ёши инобатга олинган ҳолда таъсир кўрсатишининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартлари ва халқаро мезонларга мос келадиган илмий асосланган услубини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов)га:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов) билан биргаликда Андижон, Бухоро, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш орқали мактаб ёшидаги болалар, айниқса, қизларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари яхшиланиши бўйича эришилган ижобий тажрибасини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш йўллари орқали оммалаштирилсин;

икки ой муддатда Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов) ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (У. Тошкенбоев) билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган болаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича йўриқноманинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, спорт федерацияларига етказилишини таъминлаш ҳамда унга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б. Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж. Акрамов), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов) билан биргаликда:

спорт билан шуғулланишнинг мактаб ёшидаги болалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига таъсирини туман ва шаҳарлар кесимида, антропометрик кўрсаткичлар динамикаси ҳамда ёш ва жинс гуруҳлари бўйича касалланиш даражасининг пасайишини ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда чуқур ўрганишни тизимли равишда давом эттирсин;

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига спорт билан мунтазам равишда шуғулланишнинг мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик кўрсаткичларига ижобий таъсири ва уларнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келиши, ҳудудлар кесимида тизимли мониторинг ўрнатишни таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Икромов), Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Тўраев) билан биргаликда республика ҳудудлари кесимида спорт билан шуғулланишнинг болалар ривожланишига жинси ва ёшини инобатга олган ҳолда таъсир кўрсатиш натижалари ҳақидаги таҳлилий материалларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, йиллик статистика бюллетенлари ва рисолалар шаклида чоп этилишини таъминласин.

**V. Болалар спорти объектлари ва спорт залларининг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозланиш ҳолати.**

18. Иқтисодиёт вазири Р. Ғуломовнинг болалар спорти объектлари ва спорт залларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

Қатъий кўрсатиб ўтилсин:

Навоий (Э. Турдимов), Сирдарё (О. Ашурматов), Тошкент (Р. Холматов), Фарғона (Ҳ. Неъматов) вилоятлари ва Тошкент шаҳар (Р. Усмонов) ҳокимларига болалар спорти объектларининг спорт анжом ва инвентарларини ўз вақтида янгилаш, алмаштириш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича амалга ошираётган ишлари қониқарсиз эканлиги;

халқ таълими вазири А. Мараҳимовга болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш масалаларидан ўзини четга олаётгани.

19. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) икки ой муддатда жойларга чиқиб, аввал фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг аҳволини ўрганишни ташкил этсин ва беш йилга мўлжалланган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олган болалар спорти объектларини жиҳозлаш дастурини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарорини тайёрласин:

янгитдан фойдаланишга топширилаётган объектларни халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш;

аввал фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг эскирган спорт анжом ва инвентарларини янгилаш, шунингдек, уларни қўшимча жиҳозлаш бўйича тўлдириб борувчи жадвални тасдиқлаш;

анжом ва инвентарларни янгилашга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан алоҳида сатр остида маблағ ажратиш.

20. Халқ таълими вазирлиги (А. Мараҳимов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А. Очилов) 2011 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини зарур анжом ва инвентарлар билан белгиланган меъёр ва стандартлар бўйича ўз вақтида таъминласин ҳамда ўқувчиларга, айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилалар қизларига спорт формалари ва анжомлари харид қилинсин.

21. Иқтисодиёт вазирлиги (Р. Ғуломов), Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ж. Исмоилов), «Ўзстандарт» агентлиги (А. Абдувалиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж. Акрамов) республикада ишлаб чиқарилаётган спорт анжом ва инвентарларининг сифатини қаттиқ назоратга олсин.

22. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

# ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИГА ДАХЛДОР

**Ўтган ҳафта хизмат юзасидан вилоятга боришга тўғри келди. Йўл-йўлакай ҳамқишлоқлар билан ҳам дийдорлашдик. Кўпдан буён кўришмаган қадрдонлар “Шошма, сўрайдиган гапларимиз бор?” деб қолишди. Аввалига улар мендан иқтисодий аҳвол хусусида сўрашса керак, деб ўйладим. Умрнинг саксонинчи довонига яқинлашиб қолган устозимиз: “Ҳозир ҳамма жойда Концепция ҳақида гап бўляпти, иложи бўлса, бу муҳим янгилик тўғрисида бизга жайдари тилда тушунтириб бер”, дея сўроққа тутди. Кўнглим ёришиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир жойларда турли миқёслардаги анжуман, семинар, йиғинларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тарғиботи бўйича тадбирлар ўтказилаяпти. Учрашув ва мулоқотларнинг ҳаммасида Концепция моҳияти, мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўғри ва ҳаққоний гаплар айтилаяпти...**

**“Устоз, сиз бизга дарс берганингизда мавзуни яхши ўзлаштиришимиз учун аввал савол қўярдингиз, кейин унга жавобни биргаликда топардик. Шу усулингиздан фойдаланишга рухсат берасизми?” дея оқсоқол ўқитувчига мурожаат қилдим. Домла бу лутфдан хурсанд бўлиб: “Ўзимнинг шогирдимсиз-да, шундай қилсангиз жуда соз бўлади”, дея бошқаларни эътибор билан тинглашга даъват этди. Шу тариқа барчани қизиқтираётган мавзу ҳақида гурунгимиз бошланиб кетди.**

## Ҳар ишнинг ўз мавриди бор

Маълумки, Концепция 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинди. Шу ўринда бир жиҳатни ҳисобга олайлик. Президентимиз ушбу маърузани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси минбарида сўзлади. Хўш, икки палата қандай ҳолларда қўшма мажлис ўтказади? Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда”, деган сатрлар ёзиб қўйилган. Нега айнан 2010 йилнинг ноябрь ойида? Гап шундаки, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги поёнига етаётган, бошланиши яқин қолган йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланиши кўзда тутилаётган пайтда давлатимиз раҳбари кўнглида туғилган фикрларни изҳор этишни ният қилган.

Баъзан 20 йиллик муддат тарих олдида бир лаҳзалик фурсат, деган сўзни айтамиз. Тўғри, лекин йигирма йил инсон ҳаётида, янги қадамларни қўйган мамлакат турмушида каттагина давр. Шу йигирма йил ичида Ўзбекистон ўз олдига қўйган асосий мақсадларига эришди. Ҳар бир йилимиз мазмун жиҳатидан улкан даврларга татийди десак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Ватанимиз тараққиётнинг “ўзбек модели”ни ҳаётга татбиқ этиб, жуда катта марраларни забт этди. Ана шундай бир паллада дўппини ерга қўйиб, “Энди буёғи нима бўлади?” деган саволга жавоб топишимиз керак.

## Давр билан ҳамнафас

Биласизми, ҳозир Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин тутади? Саноқли мамлакатлар қаторида автомобилсозликни йўлга қўйдик. Йилдан-йилга иқтисодиётни ривожлантириш суръатларимизга дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар юксак баҳо беришмоқда. Пахта ва олтин стратегик бойлигимиз эканлигидан фахрланамиз. Нафақат моддий бойлигимиз, балки маънавий юксалишларимиз ҳам дунё нигоҳида. Спортда эришаётган ғалабаларимиз Ўзбекистон Ер юзининг қаерида жойлашганлигини эслатиб турибди. Иқтисодий тараққиёт кўнгилдагидек бўлган жойдагина спорт, илм-фан соҳасида муваффақият ёр бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Бундай зафарли натижалар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин.

Президентимиз худди шу масалада барчамизни огоҳ этади. Яъни бугунги эришган марраларимиз катта мақсад йўлидаги оралиқ босқич. Агар ҳозиргача эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлсак, хотиржамликка берилсак, шиддатли тараққиёт суръатларига муносиб бўлолмаймиз, реал воқеликдан узилиб қоламиз. Буни давлатимиз раҳбари биз дуч келишимиз мумкин бўлган хавф деб атадилар. Демак, ана шу хавфдан сақланиш учун “дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”.

## Муваффақиятлар кафолати

Концепция, таъбир жоиз бўлса, ана шу саволга жавоб бериш учун яратилгандай. Бизга шундай тараққиёт дастури керакки, унда аниқ мақсад ва устувор йўналишлар акс этсин. Айни пайтда ўша ниятларимизни амалга ошириш стратегиясига ҳам эга бўлишимиз зарур.

Мақсадимиз демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш экан, ушбу Концепцияда шу йўлда амалга оширишимиз керак бўлган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган. “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш” деганда нимани тушунамиз? Ушбу мақсаднинг Президент томонидан айтилган шиори бор: “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”. Демак, мамлакатни идора қилиш, бошқариш давлат ихтиёрида бўлса, ваколатларнинг муайян қисми босқичма-босқич фуқаролар измига ўтказилиши керак. Тўғри, мустақилликни қўлга киритганимиздан бошлаб ушбу мақсад сари интилиб келаяпмиз, энди эса “мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”.

## Устувор вазифалар нималардан иборат?

Концепцияда устувор вазифалар олтита йўналишда баён этилган. “Ўзбек модели”нинг беш бандидан бирида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи эканлиги таъкидланганидек, Президент таклифига кўра, **давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш** зарурий устувор вазифа саналади. Ўтган даврда бу борада кўп ишлар қилинди. Айни пайтда давлат ҳокимиятининг учта субъекти — давлат бошида бўлган Президент, қонун чиқарувчи (Олий Мажлис палаталари) ва ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланиши Концепцияда белгилаб берилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш керак бўлади. Масалан, Асосий Қонунимизнинг 98-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади”, дейилган. Президентимиз Концепциясида мазкур модда қуйидагича ифода этилган: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққандан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади”.

Навбатдаги йўналиш **суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш**дир. Концепциянинг ушбу қисмида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор берилгани, бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайганлиги таъкидланади. Собиқ тузумда бўлгани каби судни қатағон қуроли ва жазолаш органи эмас, балки фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Эндиликда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Концепцияда бунинг учун қандай ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш зарурлиги аниқ кўрсатиб берилди.

Мазкур йўналишда бир туркум қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, амалдаги бир қатор кодексларнинг янги таҳрирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси парламентимиз олдида турибди.

Президент бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди.

### Концепция

Концепциядаги учинчи йўналиш **ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**ни кўзда тутади. Ўз-ўзидан аёнки, демократик жараёнларни чуқурлаштириш учун ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, атрофдаги воқеаларга ўз муносабати ва қарашларини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш керак. Шу маънода, ўтган йилларда, айниқса, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилгани Концепцияда таъкидланди, ахборот соҳасида рўй берган ўзгаришлар ҳаётий мисоллар асосида таърифланди.

Бу соҳадаги босиб ўтилган йўл таҳлил қилинар экан, галдаги вазифалар ёрқин намоён бўлади. Концепцияда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Шу билан бирга, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳақида сўз юритар эканмиз, **Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш** асосий масала сифатида намоён бўлади. Беихтиёр хаёлимизга Президентимизнинг “Демократия — бу сайлов, сайлов — бу демократия” деган ибораси келади. Йигирма йил ичида сайлов қонунчилиги ва халқ хоҳиш-иродасини ифода этиш бўйича қанча янгиликлар рўй берди? 1995 йилдан Олий Мажлис, 2005 йилдан икки палатали парламент фаолият бошлади.

Биздаги ислоҳотлар инқилобий йўлдан эмас, тадрижий, яъни босқичма-босқич ривожланиш йўлидан олға бориши анъанага айланган. Шунинг учун ҳам демократик ислоҳотлар ортга қайтмайди, балки янада янги босқичларга қадам қўяди. Президентимиз Концепцияда охирги сайловларда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Шу аснода сайловда холислик ва адолатни таъминлаш бўйича бир қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқди.

Тақдим этилган Концепция фуқаролик жамиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу борада **фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш** алоҳида аҳамиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Концепцияда айтилишича, фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, аҳолининг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Мазкур йўналиш бўйича “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш таклиф этилди. Шунингдек, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларга ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳаёт тақозо этаётган шароитлардан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Концепциянинг олтинчи йўналиши **демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш**га бағишланган. Ушбу йўналишда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилингани ва ҳаётга татбиқ этилгани таъкидланади. Эндиликда ана шу қонунлар замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Хусусан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Ўз вақтида тадбиркорларимизга қулай шароитлар яратиб берган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун замон талаблари нуқтаи назаридан танқидий қайта кўриб чиқилиши керак. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турибди. Тадбиркорларга янада кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш учун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мустақилликнинг ўтган йигирма йиллик даврида яратилган тажриба халқимиз куч-қудрати буюк бунёдкорлик ишларига қодир эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, глобаллашиб бораётган замон талабларини ҳисобга олар эканмиз, ҳозиргача эришган марраларимиз янги чўққиларга пойдевор бўлишини ўйлаймиз. Президентимиз тақдим этган ушбу Концепция бутун жамиятнинг, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг манфаатини, эртанги фаровон ҳаётини кўзлайди. Шу боисдан ҳам халқимиз ҳаётида оламшумул воқеа бўлган Концепция, ҳеч бир истисносиз, ҳаммани бирдай қизиқтирмоқда.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танловга пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан ҳамда Андижон вилояти ва Андижон шаҳридан теле ҳамда радио частоталар бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда комиссия фаолиятига доир бошқа қатор масалалар кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЙЎЛОВЧИ ХАВФСИЗЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда Нукус шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 39 та корхона томонидан 63 та йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Улар фаолияти Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Қорақалпоғистон бўлими, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Нукус шаҳар бўлими ҳамда “Нукус Транспорт” бошқармаси ҳамкорлигида тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан доимий назорат қилиб борилаяпти. Бунда тендер шартномалари шартларининг тўлиқ бажарилиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб, янги йўналишлар очилаяпти. Соҳада тадбиркорлик ҳаракати ривожланиб, кўплаб янги иш жойлари яратилаётгани ҳам қувонарлидир.

— Тадбирда келгуси фаолиятимизда асқотадиган маълумотлар берилди, — дейди “Нукус Транспорт” бошқармаси раҳбари Қурбонбой Қалбаев. — Соҳадаги янгиликларни изчил қўллаш аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизмати сифатини янада оширишда қўл келиши, шубҳасиз.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинар-кенгашда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

